Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

2016-yil
7-yanvar,
payshanba,
№ 2
(3663)

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Математика фестивали қизиқарли ўтмоқда

Тошкент шаҳридаги Инҳа университетида 6 январ куни “Қизиқарли математика” ўқув-амалий фестивали бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз ва Жанубий Корея таълим муассасалари раҳбарлари, ўқитувчилар ва ёшлар иштирок этмоқда.

Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ректори Ш.Шерматов Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йил май ойида Корея Республикасига давлат ташрифи давомида кўплаб соҳалар қатори фан-таълим йўналишидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга доир ҳужжатлар ҳам қабул қилинди.

Юртимизда азалдан илм-фан ривожланган. Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек сингари аждодларимиз математика, физика, тиббиёт, геометрия, кимё, астрономия фанлари ривожига улкан ҳисса қўшган.

Бугунги кунда ҳам мамлакатимизда фан-таълим изчил ривожланмоқда. Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг замонавий билим олиши, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши, жамиятда ўз ўрнини топиши учун барча шароит яратилмоқда. Хорижий тилларни пухта эгаллаган ёшларимиз дунёнинг нуфузли таълим муассасаларида таҳсил олмоқда. Мамлакатимизда бир қатор хорижий олий ўқув юртларининг филиаллари фаолият юритмоқда.

Ёшларимиз бундай эътиборга муносиб бўлиб, барча фанларни чуқур ўрганмоқда. Халқаро миқёсда ўтказилаётган нуфузли танловлар, фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этмоқда. 2015 йил 27-31 июл кунлари Хитойнинг Чанчунь шаҳрида бўлиб ўтган халқаро математика танловида Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи ўринни эгаллагани ҳам бунинг ёркин исботидир.

Математика инсондан юксак ақл-заковат, кенг тафаккур ва зеҳн талаб этади. Уни тўла ўрганишга айрим ўқувчиларда қунт, баъзан тўғри услуб етишмайди. “Қизиқарли математика” ўқув-амалий фестивали мактаб, лицей ва коллежлар ўқувчиларининг мазкур фанга қизиқишини янада ошириш, математикани қизиқарли тарзда ўрганиш ва ўргатиш услубларини намойиш этиш мақсадида ташкил этилди.

Фестивалда Жанубий Кореядан келган 20 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар иштирок этмоқда. Улар Ўзбекистонда таълим соҳасини ислоҳ қилиш бўйича узоқни кўзлаган дастурлар, хусусан, “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг самараларини юқори баҳолади.

— Математика кўплаб соҳаларда, жумладан, инсоннинг кундалик турмушида доим керак бўладиган муҳим фандир, — дейди Корея Республикасининг Инҳа университети профессори Хун Чанг. — Ушбу фестивалда ўқувчилар фаол иштирок этаётганини кўриб, Ўзбекистон ёшларининг билимга чанқоқ, интеллектуал салоҳияти юқори эканига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Бундай тадбирлар барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам изчил ривожланиб бораётган Жанубий Корея-Ўзбекистон муносабатларини янада фаоллаштиришга хизмат қилади.

Фестивалда математика фанининг тарихи, ривожланиш босқичлари ва истиқболлари, ушбу фанни самарали ўқитишнинг замонавий ва илғор услублари, ёш математикларнинг имкониятлари, ютуқ ва камчиликлари, математикани ўрганишнинг сир-асрорлари, муҳим ва қизиқарли жиҳатлари, ёшларни мазкур фанга қизиқтириш омиллари хусусида сўз юритилди.

— Математикани ўрганиш, турли масалаларни ечиш жону дилим, — дейди Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 84-умумтаълим мактаби 4-синф ўқувчиси Севинч Отахонова. — Фестивалда турфа интеллектуал ўйинлар, қизиқарли машқлар, викторина ва машғулотларда иштирок этиб, математика фани бўйича ўз билимимни янада ошириш имконига эга бўлмоқдаман. Айниқса, болалар учун ўтказиладиган визуал дастурлаш бўйича дарс — «Дастурлаш соати»да иштирок этишимдан хурсандман.

Анжуманда Ўзбекистон ва Жанубий Корея таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари юзасидан ҳам фикр алмашилди. Кадрлар тайёрлаш йўналишида ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш, мутахассислар ва талабалар алмашувини фаоллаштириш, тажриба ва ахборот алмашишни кенгайтиришга келишиб олинди.

Фестивал доирасида математика фани ўқитувчилари ўртасида он-лайн тарзда ўтказилган танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади. Ғолиблар Жанубий Кореянинг нуфузли университетларида магистратура ва докторантура босқичларида ўқишни давом эттириш ҳамда малака ошириш имконига эга бўлади.

Анжуман доирасида, ўқувчилар ўртасида танловлар, семинарлар ва акциялар ҳам ўтказилади.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

Имконият изланишга ундайди

Президентимизнинг 2015 йил 28 апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида Сурхондарё вилоятида фойдаланилмай бўш турган, қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектларини тадбиркорлик йўналишида самарали ишлатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Биз 1 миллиард 150 миллион сўмлик инвестиция киритиш шарти билан бўш турган бинони «нол» қийматда олиб, иш бошладик, — дейди Термиз шаҳридаги «Камазул Сайдил» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Собир Маматраимов. — Дастлаб, пойабзал ишлаб чиқариш билан иш бошлаган бўлсак, ҳозир 50 дан ортиқ турдаги маҳсулот тайёрланмоқда. Шунингдек, мебел жиҳозлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик, тикувчилик цехи ва автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш шохобчаси фаолиятини ҳам йўлга қўйдик. 60 нафар ишчи-ходимнинг аксарияти коллежларни битирган ёшлардир.

ЎзА фотомухбири
Фарҳод АБДУРАСУЛОВ
олган суратлар

Янгиликлар

КОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани ҳокимлиги ва Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими ҳамкорлигида спорт билан мунтазам шуғулланаётган 145 нафар қизга Президентимиз совғаси — спорт кийимлари топширилди.

Спорт кийимларини топшириш маросими байрам тантаналарига уланиб кетди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Марҳамат туманида «Шодиёна» маданият ва аҳоли дам олиш маркази қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Собиқ қишлоқ клубининг замонавий ва миллий меъморлик услублари уйғунлашган янгича қиёфаси барчага қувонч бағишлади. «Яхшилик сари» масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилган кошонадан катта томоша зали ҳам жой олди. Марказни таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига 515 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Навоий вилоятининг Кармана тумани “Боғишамол” маҳалласида нон цехи иш бошлади. “Навоийдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятига қарашли цехда 5 турдаги нон маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

Тажрибали новвойлар “устоз-шогирд” анъанаси асосида ёшларга касб сирларини ўргатаётир. Энг муҳими, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар харидорларга манзур бўлмоқда.

Ўз мухбирларимиз

Хушхабар

Экспортбоп гиламлар

“Жиззах махсус индустриал зонаси”да ўн иккинчи лойиҳа амалга оширилди. Янги ишга туширилган “Diamond-Carpet” масъулияти чекланган жамияти калава ип ва гилам ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, корхонага Германиядан келтирилган 6,5 миллион АҚШ долларилик гилам тўқиш ускунаси ўрнатилди. Натижада, жиззахлик эллик нафар ёш муқим иш ўрни билан таъминланди.

Йилига 12 миллион долларлик гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуввати-га эга корхонада тайёрланган маҳсулотларнинг деярли барчаси экспортга йўналтирилиши мўлжалланган.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Эзгуликка йўғрилган тадбирлар

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2016 йил «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилинди. Бинобарин, бундай оқилона қарор замирида чуқур маъно мужассам. Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимизда тиббиёт, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида ўзига хос миллий модел яратилди.

Янги тизим — замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган скрининг ва перинатал марказларига асос солинди. Республика скрининг маркази ва унинг вилоятлардаги филиалларида перинатал текширув — ҳомиланинг ривожланишини кузатиш, чақалоқлардаги туғма хасталикларни аниқлаш, ирсий ва туғма хасталик билан туғилган беморларга ҳамда ногирон фарзанди бор оилаларга тиббий-генетик маслаҳат ва даволаш хизмати кўрсатиш бугун ўз самарасини бераётир.

Юртбошимиз маърузасида Соғлом она ва бола йилида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, биринчи навбатда, оилалар, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масаласини ўзимизга устувор вазифа қилиб олиб, миллат генафондини янада яхшилаш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш тўғрисида, давлат дастурини ишлаб чиқишда, аввало, юртимизда оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича шаклланган ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш масаласи эътиборимиз марказида бўлиши лозимлиги тўғрисида алоҳида тўхталди. Айниқса, олис ва чекка ҳудудларда, мураккаб иқлим шароитида яшайдиган аҳоли, аввало, аёллар учун ижтимоий, маиший, тиббий нуқтаи назардан зарур шароитларни яратиш, тиббиёт муассасалари, перинатал марказларнинг моддий-техника базасини, уларнинг кадрлар салоҳиятини янада кучайтириш, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарасини ошириш, перинатал ҳамширалар сонини кўпайтириш, акушер-гинекологлар, болалар шифокорлари малакасини юксалтириш масалаларига алоҳида аҳамият беришимиз кераклиги, юртимизда қиз боланинг — бўлғуси оналарнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб вояга етиши, уларнинг коллеж ва лицейларда албатта таълим олишини таъминлаш, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, коллеж битирувчилари, айниқса, қизларимизни иш билан таъминлаш масаласи долзарб эканлиги батафсил шарҳлаб берилди.

(2).

Бахтли болалик сурури >> 2

Ўзимизники ўзимизга >> 3

Қизларда олтин, йигитларда кумуш >> 4

Эзгуликка йўғрилган тадбирлар

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Соғлом она ва соғлом бола камоли йўлида белгиланган ушбу вазифаларни амалга ошириш Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари, тиббиёт соҳаси ходимлари, ва албатта, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва унинг тасарруфидаги барча бўғин касаба уюшма ташкилотлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Республика кенгаши томонидан Соғлом она ва бола йили учун истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, соғлиқни сақлаш муассасаларида имзоланадиган жамоа шартномалари ва келишувлари орқали эҳтиёжманд, фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган оилалар вакилларига моддий ёрдам кўрсатиш, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари учун дарсликлар ижараси, ўқув қуроллари харид қилиш харажатларини қисман қоплаш, фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар таътилда бўлган ёш оналарга моддий кўмаклашиш, иш берувчи маблағлари ҳисобидан нодавлат мулкчилик шаклидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 3 ёшгача боласи бор аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланишини жорий қилиш ишлари кўламини ўтган йилларга қараганда кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бир қаторда, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, фертил ёшидаги аёллар ва қизларни тўлиқ қамраб олган ҳолда комплекс тиббий кўриклар ташкил этиш, соғломлаштириш кўлами кенгайтирилади.

Бугина эмас, Республика кенгаши томонидан тармоқ тизимида меҳнат қилаётган эҳтиёжманд оила фарзандларидан 30 нафари соғломлаштириш оромгоҳларига бепул йўлланмалар билан таъминланади.

1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан "Чимён" болалар санаторийси, психо-физик ривожланиши бузилган болалар учун ихтисослаштирилган болалар уйи, "Кичкинтой" болалар уйи, Тиббиёт-санитария қисмига қарашли 1- ва 2-боғчалар тарбияланувчилари учун спорт инвентарлари олиб берилади.

Барча ҳудудларда "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" шиори остида соғлиқни сақлаш ходимлари ўртасида тиббий маданиятни ошириш, санитария-гигиена соҳасидаги ишларни янада кучайтириш, ҳомиладор аёлларни асраб-авайлаш, ёш оналар ва болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида тиббиёт муассасалари, перинатал марказлари, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларида фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг тиббий кўмакка муҳтож, қандли диабет касаллигига чалинган, туғма эшитиш қобилияти паст бўлган 280 нафар репродуктив ёшдаги аёллар ва 14 ёшгача бўлган фарзандларига глюкометр (тест полоскаси билан), эшитиш аппарати тақдим этилади. Тиббиёт ходимлари куни арафасида соғлом оналик ва болаликни таъминлашда кўп йиллардан буён фаол иштирок этиб келаётган ходимлардан 150 нафарини моддий ва маънавий рағбатлантириш, йил давомида оиланинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни ҳимоялаш мақсадида 140 нафар эҳтиёжманд, кўп болали оилалар фарзандларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш режалаштирилган.

Руҳни соғломлаштирмай туриб, инсонни даволаб бўлмайди. Шу боис шифокорлар саломатлиги, дам олишига алоҳида эътибор қаратилади. Тарихий шаҳарларга саёҳатлар, театрларга ташриф нафақат шифокору ҳамшираларга руҳий-маънавий қувват бахш этади, балки уларнинг меҳнат унумдорлигини оширишда ҳам қўл келади. Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш муассасаларида хизмат қилаётган ходимларни, уларнинг оила аъзоларини, ёшлар, айниқса, хотин-қизларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, оммавий тарзда спорт билан шуғулланишларига шароит яратиш мақсадида тиббиёт муассасалари ҳамда олий ва ўрта махсус тиббиёт таълим муассасаларида турли спорт мусобақалари, спартакиадалар ташкил этиш ҳам Республика кенгашининг тадбирлар режасидан ўрин олади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади" деган ҳаётбахш ғоя асосида амалга оширилаётган ишларда ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшаётган ходимлар ўртасида ўтказиладиган "Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши муассаса", "Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши тиббиёт ходими", "Энг яхши нодавлат даволаш профилактика муассасаси", "Энг яхши оилавий поликлиника", "Энг яхши оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори", "Энг яхши қишлоқ врачлик пункти", "Энг яхши қишлоқ врачлик пункти шифокори", "Энг яхши патронаж ҳамшираси" ва "Ҳамшира — 2016" республика кўрик- танловлари ғолибларини тақдирлашда иштирок этиш режалаштирилган.

Соғлом она ва бола йилида юқоридаги вазифаларни амалга оширишда тармоқдаги барча бошланғич касаба уюшма ташкилотлари қамраб олинади. Республика кенгаши томонидан уюштирилаётган саховат ва эзгуликка йўғрилган бу каби тадбирлар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин. Муҳими, ҳар бир тадбир тармоқ ходимлари, айниқса, аёллар ва уларнинг оила аъзоларига кўтаринки кайфият ва маънавий-руҳий қувват бахш этишидадир.

Гўзал ТОХТАЕВА,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари

Фаолият

Ишловчилар манфаатини ҳимоялашда маъмурият ва касаба уюшмаси ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорликнинг ўрни алоҳида. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси тизимида бу йўналишда қатор ютуқларга эришилмоқда.

Ҳамкорлик самараси

Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган тармоққа қарашли ташкилот ва корхоналарда жамоа шартномалари орқали меҳнаткашларга кўплаб имтиёзлар яратилган. Ўтган даврда нодавлат секторга мансуб 358 та корхона ва ташкилотда 2023 нафар ишчининг ижтимоий муҳофазаси йўлга қўйилди. Соҳада меҳнат қилаётганларнинг 186 нафарини турли сиҳатгоҳларда дам олдириш, уларнинг 525 нафар фарзандини оромгоҳларда имтиёзли нархларда соғломлаштириш ташкиллаштирилди.

Меҳнат жамоаларида ижтимоий шериклик асосида ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, турмуш шароитини ўрганиш ва эҳтиёжманд оилаларга ёрдам кўрсатиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, меҳнат муҳофазаси каби қатор йўналишларда ижобий ишлар амалга оширилаётир. Корхоналарда 2013-2015 йилларда 180 та янги иш ўрни ташкил этилди. Натижада, 145 нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланди. Уларнинг 25 нафарига касаба уюшма қўмитаси томонидан моддий ёрдам кўрсатилди.

Корхоналарда касаначиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам қувонарлидир. Ишлаб чиқаришнинг бу шакли аёллар учун оиласига ва бола тарбиясига етарли даражада эътибор берган ҳолда пул ишлаш имкониятини яратмоқда.

Насиба РУСТАМОВА,
Шўрчи маиший хизмат касб-ҳунар коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси

Байрам шодиёналари

Бахтли болалик сурури

Болажонларга бир олам қувонч улашган «Президент арчаси» байрам тадбири Навоий шаҳридаги «Меҳрибонлик» уйида бўлиб ўтди. Тадбирда 112 нафар болажонга Президентимиз совғалари топширилди. Қорбобо ва Қорқиз, турли эртак қаҳрамонлари иштирокидаги томошалар жажжи қалбларни ҳайратлар оламига етаклади.

Бундай шодиёналар вилоят марказидаги катта хиёбон ҳамда корхона-ташкилотларда ҳам бўлиб ўтмоқда. Янги йил байрамини кўтаринки тарзда ўтказишда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси алоҳида фаоллик кўрсатаётир. Касаба уюшма ташкилотлари томонидан эҳтиёжманд оилалар фарзандларига совғалар, «Фарҳод», «Ширин» маданият саройларида ўтказилаётган байрам тадбирларига бепул чипталар улашилди. Кармана туманидаги 25-махсус мактаб-интернатда ташкил этилган байрам шодиёналари ҳам тарбияланувчилар қалбига бир олам қувонч олиб кирди.

Норимхол НУРМОНОВА,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

***

Совғаларда меҳр намоён

Байрам тадбирлари Сирдарё вилоят касаба уюшмаларида ҳам юқори савияда ташкил этилмоқда. Хусусан, касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан олис қишлоқ, овул ва маҳаллалардаги эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларидан ўттиз нафарига совғалар топширилди.

— Шунингдек, Мирзаобод туманида истиқомат қиладиган эҳтиёжманд оилалар ҳамда жисмоний имконияти чекланган юртдошларимизнинг беш нафарига озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Алижон Мамарасулов.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Андижон — Тошкент телекўприги

«Дийдорингдан айланай, ўғлим!»

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги вилоят театрига Андижонда ҳарбий хизматни ўтаётган пойтахтлик йигитлар, Тошкентда хизмат қилаётган андижонликларнинг ота-оналари, мутасадди ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

«Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, Ватан!» шиори остида «Менинг ўғлим — Ватан ҳимоячиси» мавзусидаги видеоконференция ҳаяжонли лаҳзаларга бой тарзда ўтди.

Андижон вилояти ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов Қуролли Кучларимиз қудрати йилдан-йилга ортиб бораётгани, унда хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг фахру ифтихорига айлангани, республикамиз суверенитетини ҳимоя қилишни фарзандлик бурчи деб билган аскарларнинг жанговар, маънавий тайёргарлиги юқори эканлиги, ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш ижобий натижалар бераётганлиги ҳақида гапириб, Ватан ўғлонлари ҳамда ота-оналарни байрам билан муборакбод этди.

Жонли мулоқот чоғи ота-оналар аскар фарзандлари билан дийдорлашиш имкониятига эга бўлдилар.

— Ўғлим Саидакбар Тошкентдаги ҳарбий қисмда хизмат қиляпти, — дейди Жалақудуқ туманида яшовчи Салимахон Холиқова. — Ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб улғаяётган фарзандимни кўриб, бошим кўкка етди. Дилбандим шеърлар ўқиб, қалбимни қувончга тўлдирди. Бизга шундай шарт-шароит яратиб берилгани учун чуқур миннатдорлик билдираман.

...Экранда пайдо бўлган йигитларнинг ҳарбий қасамёдга содиқ эканликлари ҳаракатида, юз кўринишларида акс этиб турибди. «Гулистон» журналининг бош муҳаррири Минҳожиддин Мирзо, таниқли шоира Мунаввара Усмонова, истеъфодаги полковник Сардорбек Шамсутдинов, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, Андижон давлат университети қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Гўзалой Абдуллаева, муддатли ҳарбий хизматдан сўнг Андижон давлат тиббиёт институтига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинган Бобур Тожиев ва бошқалар аскарларни қизғин табриклаб, ўзларининг дил сўзларини изҳор этдилар.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган йигитлар видеолавҳалар орқали ўз уйлари, яқинларини кўриб, кўнгиллари таскин топди. Экранда Қуролли Кучларимиз салоҳияти, аскарларга яратилган шароитлар ҳам намойиш этилди. Пойтахтлик ва андижонлик таниқли санъаткорларнинг чиқишлари ҳар икки даврага файз бағишлади.

Нурилло НЎЪМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Ишлаб чиқариш кенгаймоқда

Самарқанд шаҳридаги «Eldorado Klass Lux» масъулияти чекланган жамияти йўлаклар учун бетон қоплама ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, ўттиз турдаги маҳсулотлар тайёрланмоқда. Корхона маҳсулотларининг бир қисми экспортга чиқарилади.

Ўтган йили бу ерда тош майдалаш цехи ишга туширилиб, бетон қоплама учун зарур хом ашё тайёрлаш ўзлаштирилди. 25 нафар ишчи меҳнат қилаётган корхона раҳбари Мирзомуҳиддин Фахриевнинг айтишича, энди қолип тайёрлаш цехини ташкил этиш режалаштирилган.

Суратда: *(чапда) корхона менежери Шероз Фахриев харидорлар билан.*

ЎзА фотомухбири
Алишер ИСРОИЛОВ олган сурат

Намунали туман кенгашларида

Китоб тумани касаба уюшма кенгашлари ва бошланғич ташкилотларининг Устав бўйича фаолиятини намунали тарзда йўлга қўйиш ишлари жадал кетаяпти.

Муваффақиятли одимлар

Тиббиёт йўналишида фаолият олиб бораётган хусусий тадбиркорлар ўртасида касаба уюшмаси афзалликларини кенг тарғиб этиш натижасида туманда фаолият кўрсатаётган 43 та хусусий ташкилотдан аксарияти тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси аъзолигига жалб этилди. 100 нафардан ошиқ ходим касаба уюшма аъзосига айланди ва жамоа шартномалари орқали уларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланди.

Тиббиёт бирлашмаси меҳнат муҳофазаси вакиллари ва меҳнат муҳофазаси комиссияси аъзолари ёрдамида назорат ўрнатилган. Касаба уюшма қўмитаси комиссия таркибини тасдиқлаб, фаоллар ўқувини ташкил этиш, махсус кийим-бош, пойабзал, шахсий ҳимоя ва бошқа воситаларнинг берилишини, унинг яроқлилик муддатини доимо назорат қилиб бораётир.

Бир сўз билан айтганда, туманимиз касаба уюшмалари зиммасига юкланган масъулиятни чуқур англаган ҳолда ҳақиқий маънода намунали фаолият юритишга ҳаракат қилаётир.

Аҳмаджон АБДУСАМАДОВ,
Китоб туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси

Туризм

Хоразм воҳаси бўйлаб...

«Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси икки авлод вакилларини жалб этган ҳолда энергетика соҳасига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган бир гуруҳ ходимлар учун саёҳат уюштирди.

«Касаба сайр» шўъба корхонаси ва «Ўзбекистон темир йўллари» акционерлик жамияти билан ҳамкорликда айнан саёҳатчилар учун ҳаракатланаётган «Афсона» поездида Урганч ва Хива шаҳарлари сари йўл олдик.

Саёҳат давомида ички туризм маданиятини ривожлантириш, қадимий ва гўзал шаҳарлар, улардаги бетакрор тарихий-маданий обидалар, миллий урф-одатларимиздан фахрланиш ҳиссини кучайтиришга эътибор ортганига амин бўлдик. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, воҳанинг туризм борасидаги имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Хива шаҳридан бошланган саёҳатимиз Урганч шаҳрида давом этди. Бизга бириктирилган экскурсовод зиёратгоҳлар ўтмиши ва бугуни билан тўлиқ таништириб борди. Саёҳат барчамизда ўзгача таассурот қолдирди.

Илҳом ЎРИНОВ,
«Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси

Олдингдан оққан сув

Ўзимизники ўзимизга

**Тобимиз қочди дегунча шифокор тавсияси билан дорихонага югурамиз.
— Кечирасиз, бу доринииг Россияда ишлаб чиқарилгани йўқ, ўзимизда тайёрлангани бор. Нима қилай, бераверайми?
Дорихона ходимининг гап оҳанги беихтиёр иккилантириб қўяди бизни. Врач тавсиясини пешкаш қилиб, дорихонама-дорихона кириб чиқишни бошлайсиз. Ўтаётган вақтимизга ачинмаймиз ҳам.**

— Зарурат бўлиб, «1009» дан аптека маълумотхонасининг телефон рақамини олдим: «1069» ҳамда «1203800», — дейди «Дори-дармон»га қарашли дорихонага келган Б.Акрамова. — Дарҳол боғланиб, харид қилмоқчи бўлган дориларимнинг нархини суриштириб билдимки, арзон дорилар айнан шу дорихонада экан. Ҳам ишим битди, ҳам пулидан иқтисод қилдим.

«Дори-дармон» акциядорлик компанияси фармацевтика бозорида 90 йилдан ортиқ вақтдан бери фаолият юритиб келаётган ва изчил ривожланаётган, республика аҳолиси ва даволаш-профилактика муассасаларини 2,5 мингдан ортиқ турдаги сифатли дори воситалари билан таъминлаётган улгуржи-чакана корхоналардан бири ҳисобланади. Хусусан, Самарқанд шаҳридаги ампулали дори препаратларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Интегра ДД» МЧЖ корхонасида ҳозирда 10 турдаги дори препаратларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, Соғлиқни сақлаш вазирилигига яна 7 турдаги дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли ҳужжатлар топширилди.

Аҳолининг сифатли дори воситаларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида компания дорихоналарида шифокорлар рецептлари бўйича дори турларини тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган.

— Негадир, ҳозирги ёшлар салгина шамолласа, ҳатто тиши оғриса ҳам антибиотиклардан нажот излайди, — дейди 93 ёшни қаршилаган онахон Робия ая. — Давоси табиатнинг ўзида-ку ахир! Ҳозир эса дорихоналарда арзон ва ихчам қилиб қадоқланган шифобахш ўсимликлардан фойдаланаман.

Мамлакатимизда кейинги йилларда фармацевтика соҳасида доривор ўсимликлар асосида дори воситаларини ва биологик фаол қўшимчаларни маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2015 — 2017 йиллар давомида «Дори-дармон» акциядорлик компанияси томонидан доривор ўсимликлар хом ашёсини қайта ишлаш ва қадоқлаш бўйича 65 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу лойиҳалар бўйича Гулистон шаҳрида йилига 600 тонна ўсимлик хом ашёсини қайта ишлаш ва қадоқлаш қувватига эга бўлган янги фармацевтик корхона ва Тошкентда экстрагентларни сақлаш омбори ишга туширилди. Жиззах вилоятининг Зафаробод туманида майдони 100 кв.м. бўлган доривор ўсимликларни сақлаш, саралаш омбори ва бирламчи қайта ишлаш цехи ташкил этилди. Навоий шаҳридаги «Авиценна» МЧЖда реконструкция ишлари якунланиб, қиймати 125 минг АҚШ долларилик асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун шартнома имзоланди. Шунингдек, Самарқандда «Интегра ДД» МЧЖ томонидан ўсимлик хом ашёсидан олинадиган фаол моддалар асосида ампула шаклидаги инъекцион эритмалар ишлаб чиқариш лойиҳаси якунланди. Ушбу лойиҳа ишлаб чиқаришни 1,2 баробар кўпайтириш имконини беради.

Жорий йилда мазкур корхоналардан ташқари 51 та қадоқлаш майдонлари ташкил этилди. Қадоқлаш майдонларини жиҳозлаш учун компания томонидан 34 мини қадоқлаш учкуналари ва тегирмонлари харид қилинди. Ушбу ускуналардан целлофан пакетларга 30, 50, 100 грамм ҳажмдаги ва филтр пакетчаларга 1, 2, 3 грамм ҳажмдаги маҳсулотларни қадоқлаш режалаштирилмоқда. Шунингдек, келаси йилда маҳаллий доривор ўсимликлар асосидаги импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган дори воситаларини ишлаб чиқариш бўйича тўққизта лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Бу корхоналарда суюқ ва қуруқ экстрактлар, ўсимлик мойлари, сироплар, таблетка ва капсулалар ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

— «Дори-дармон»га қарашли дорихоналарга кирсангиз, ундаги нархларнинг муқобиллигига гувоҳ бўламиз, — дейди Б.Камолов. — Аммо, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Яқинда «Фенотропил» деган дорини қидириб бир қанча хусусий дорихонага кирдим: бири 150000 сўм деса, бошқаси 219000 дейди. Ўзингиз ўйлаб кўринг-а, биргина доринииг орасида шунча тафовут. Лекин камёблиги сабаб сотиб олишга мажбур бўлдим. Бундай таблеткаю ампулалар ўзимизда ишлаб чиқилса, импорт дориларга муҳтожлик сезилмасди. Қолаверса, арзонроқ харид қилиш имконига ҳам эга бўлардик.

Юқоридаги мисолларни бекорга келтирганимиз йўқ, албатта. Бемор шифокорнинг ёнига касалига шифо топиш учун боради. Бироқ, негадир, аксарият ҳолларда ҳаттоки тумов учун ҳам қиммат, кимёвий усулда тайёрланган, устига-устак хориж маҳсулотини тавсия этишади. Ахир, ўзимизнинг она заминимизда униб, ўсаётган табиатнинг беназир инъомлари истаганча топилади-ку! Уларнинг минг бир дардга даволигини табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино бобомиз исботлаган-ку. Ёҳуд «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» деб шунга айтадиларми?..

**Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири**

800 ёшдаги «телефон»

Европалик археологлар Австриянинг Залцбургида қазилмалар вақтида мобил телефонга ўхшаш қадимий буюмни топишди. Тахминларга кўра, ушбу буюм камида 800 йил аввал яратилган, дея хабар бермоқда gazeta.ru.

Топилган буюм замонавий мобил телефоннинг лойдан ишланган нусхасига ўхшайди. У тўғри тўртбурчак шаклига эга. Унда экран ва тугмаларга ўхшаш шакллар тасвирланган.

Кўпчилик интернет фойдаланувчилари бу ҳолат ўзга цивилизациялар борлигини яна бир бор исботлашини айтишмоқда. Бироқ бошқа фойдаланувчилар унинг "телефон"лигига шубҳа билдириб, оддий жадваллигига ишонишмоқда.

Иккинчи фарзанд

Хитой парламенти оилаларга иккинчи фарзанд кўришга рухсат этадиган қонун қабул қилди. Мазкур қонун 2016 йилнинг 1 январидан кучга кирди, дея хабар бермоқда ТАСС.

— Давлат энди ҳар бир жуфтликнинг иккинчи фарзанд кўриш принципини қўллаб-қувватлайди, — дейилади ҳужжатда. Қонун Хитой ҳукуматининг октябрдаги пленумида ишлаб чиқилди. Пленумда "бир оилага – бир фарзанд" сиёсатини юмшатишга қарор қилинган.

Иккинчи фарзанд кўришга тақиқ 36 йил давом этган. Шу вақт ичида чеклаш демографик сиёсати 400 миллион киши туғилишининг олдини олган.

Ушбу қонун Хитойда 2050 йилга бориб меҳнатга лаёқатли фуқаролар сонини 30 миллион кишига оширишни кўзда тутади. ХХР аҳолиси умумий сони 2029 йилга бориб 1,45 миллиард кишига етиши тахмин қилинмоқда.

Даврий жадвалда ўзгариш

Менделеевнинг даврий жадвали тўртта янги унсур билан тўлдирилди. Халқаро назарий ва амалий кимё иттифоқи (IUPAC) сайтида хабар қилинишича, янги унсурлар 113, 115, 117 ва 118-атом рақамлари остига жойлаштирилди.



Янги унсурларни олишдаги асосий қийинчилик улар енгилроқ моддаларнинг муқаддам номаълум изотопларига бўлиниб кетиши бўлди. Барча янги элементлар сунъий равишда синтез қилинган. Табиатда урандан оғирроқ (яъни атом рақами 92 дан ортиқ бўлган) унсур мавжуд эмас. Атом рақамлари элемент атоми ядросидаги протонлар сонини акс эттиради.

RIKEN институти олимлари Менделеев жадвалининг "японий" номли 113-унсурининг кашфиётчилари деб тан олинди. 115-, 117- ва 118-унсурлар Дубнадаги (Москва) Бирлашган ядровий тадқиқотлар институти, Ливермор миллий лабораторияси (Калифорния) ва Ок-Риж миллий лабораторияси (Теннесси) ходимларидан иборат бирлашган АҚШ-Россия илмий ходимлари гуруҳи томонидан очилди.

Янги элементларга вақтинчалик унунпентий (ununpentium — Uup), унунсептий (ununseptium — Uus) ва унуноктий (ununoctium — Uuo) номлари берилди, беш ойдан сўнг даврий жадвалда уларнинг ҳақиқий исмлари ва 2 ҳарфли ифодалари пайдо бўлади.

2011 йилда ҳам Менделеев даврий жадвалига икки янги элемент киритилган эди. Булар 114- ва 116-рақамли флеворий ва левирморийлардир.

**Интернет материаллари асосида
А.АРСЛОНОВ тайёрлади.**

Реклама ва эълонлар

МЧЖ шаклидаги «Surxondaryo universal mulk auktsion» корхонаси бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади

Аукцион савдосида қуйидаги автомототранспорт воситалари сотувга қўйилмоқда:

1. Аму-Сурхон ИТХБ қошидаги насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармасига тегишли «НЕКСИЯ-ДОНС» русумли, 75/771 ААА д/б, 2003 йилда и/ч, носоз автомашина. Бошланғич баҳоси — 4 083 000 сўм.

2. Аму-Сурхон ИТХБ қошидаги насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармасига тегишли «ГБАСНГУАЗ» русумли, 75/489 GAA д/б, 1993 йилда и/ч, носоз автомашина. Бошланғич баҳоси — 717 400 сўм.

3. Сурхондарё ким ошди савдо МЧЖга тегишли, «Спарк» русумли, 75/585 JAA давлат белгили, 2014 йилда и/ч, техник носоз автомашина. Бошланғич баҳоси — 5 000 000 сўм.

Аукцион савдолари Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уйда жойлашган, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 10-хонада 2016 йилнинг 8-,9 феврал кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади.

Мазкур автотранспорт воситалари ушбу савдоларда сотилмай қолганда такрорий савдоси 2016 йил 29 феврал куни соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади.

Ким ошди савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар МЧЖ шаклидаги «Surxondaryo universal mulk auktsion» корхонаси билан закалат шартномасини расмийлаштириб, ОАТ Ҳамкорбанкдаги ҳ/р: 20208000400426628001, МФО: 01001, ИНН: 303172243 га сотилаётган мол-мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 10-хона. Тел/факс: (0-376) 223-07-96.

Гувоҳнома: № 983-Б.

«FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Ёзёвон тумани ҳокимлиги молия бўлими балансидаги "Нексия" русумли, 1996 йилда и/ч, д/р: 40 355 ААА,техник-носоз бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 6 017 619 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 9 феврал куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача (13:00 дан, 14:00 гача тушлик) қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил, 5 феврал соат 17:00.

Талабгорлар диққатига!

Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситаси 2016 йил, 9 феврал кунги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдоси 2016 йилнинг 16 феврал куни соат 10:00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Такрорий савдога аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил, 15 феврал, соат 17:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10(ўн) иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 30(ўттиз) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "FARG'ONA MULK SERVIS" МЧЖнинг «Трастбанк» Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим: МФО: 01123. СТИР: 303054753,

Х/Р: 22604000600396342001. Манзил: Фарғона шаҳар, Маърифат кўчаси, 22-уй. Тел: +99895-402-54-75.

Гувоҳнома: № 1894.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҚУРИЛИШ БЎЙИЧА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2016 ЙИЛ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Буюртмачи: Сирдарё вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси.

Манзил: Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўч. -30. Тел: (0 3672) 27-63-86.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ОБЪЕКТИ

I. Мирзаобод тумани тиббиёт бирлашмаси реконструкцияси (150 қатнов поликлиника ва бошқа объектлар қурилиши). Бошланғич нархи — ҚҚС билан — 3 776 677 534 сўм, ҚҚСсиз — 3 147 231 278 сўм.

Қурилиш муддати 321 кун

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан.

АҲОЛИНИ ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

II. Сирдарё тумани Дўстлик МФЙ Бахт сув ҳавзаси реконструкцияси.

Бошланғич нархи ҚҚС билан — 1 565 373 696 сўм, ҚҚСсиз — 1 304 478 080 сўм. Қурилиш муддати 186 кун.

Лот 8-1. Боёвут тумани Усмонобод ҚФЙ Миришкор мах. сув тармоғи қурилиши.

Бошланғич нархи ҚҚС билан — 229 840 864 сўм, ҚҚСсиз — 191 534 053 сўм. Қурилиш муддати 98 кун.

Лот 8-2. Боёвут тумани Дўстлик ҚФЙ С.Айний МФЙ Собиробод қишлоғи сув тармоғи қурилиши.

Бошланғич нархи ҚҚС билан — 264 863 118 сўм, ҚҚСсиз — 220 719 265 сўм. Қурилиш муддати 70 кун

Лот 8-3. Боёвут тумани Усмонобод ҚФЙ Бунёдкор маҳалласи сув тик қудуқ қазиш, сув тармоғи қурилиши.

Бошланғич нархи ҚҚС билан — 340 849 661 сўм, ҚҚСсиз — 284 041 384 сўм. Қурилиш муддати 165 кун.

Лот 9-1. Мирзаобод тумани Тошкент ҚФЙ Тинчлик МФЙ Мирзо қишлоқда тик қудуқ қазиш, сув тармоғи қурилиши.

